2015 ЙИЛ 20 МАРТ, ЖУМА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 67 – 68 (12.880 – 12.881)

Баҳоси эркин нархда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Мактаб ўқувчиларига замонавий суғурта фаолияти ҳақида тушунча бериш, уларда суғурта маданиятини шакллантириш, шу билан бирга аҳолига суғурта хизматлари бўйича маълумот бериш мақсадида «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси АЖ Тошкент шаҳар филиали ва «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбатлари, ўқув-семинарлари ва расмлар танлови ташкил этилди.

Ёшлар ижод саройида «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси акционерлик жамиятининг ташкил топганига 18 йил тўлиши муносабати билан «Суғурта – болалар нигоҳида» мавзуидаги расмлар танлови якунларига бағишланган матбуот анжумани ва танлов ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

— «Суғурта – болалар нигоҳида» расмлар танловини ўтказишдан асосий мақсад умумтаълим мактаблари ўқувчиларига замонавий суғурта фаолияти ҳақида тушунча бериш ва суғурта маданиятини шакллантириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, давлатимиз томонидан мазкур соҳада яратилган имкониятлар, шарт-шароитларни ёшлар ўртасида кенг тарғиб этишдан иборат, — дейди «Суғурта — болалар нигоҳида» расмлар танловининг ташкилий қўмитаси раиси ўринбосари Шерзод Исламов. — Таъкидлаш ўринлики, мамлакатимизда соҳага қаратилаётган эътибор самарасида суғурта хизматлари ортмоқда. Ёш авлод ўртасида суғурта маданиятини шакллантиришга бағишланган мазкур расмлар танлови доирасида жорий йилнинг январь-март ойларида пойтахтимизда жойлашган 287 та умумтаълим мактабларида махсус тарғиботчилар гуруҳи томонидан интерфаол усулда суғурта тушунчаси, унинг мазмун-моҳиятини англашга қаратилган давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ташкил этилди ҳамда «Кафолат билан Камолот сари» шиори остида «Суғурта – болалар нигоҳида» расмлар танлови ўтказилди. Мазкур лойиҳага 15000га яқин ёшлар жалб қилинди.

Пойтахтимизнинг 5-синфдан 9-синфгача бўлган ўқувчиларининг икки мингдан ортиқ ижодий ишлари орасидан «Суғурта менинг тасаввуримда», «Суғурта билан келажак сари» ва «Кафолат» 18 ёшда» номинациялари бўйича ғолиблар аниқланди. Ижодий ишларни малакали мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари баҳолашди.

— Яшнобод туманидаги 69-умумтаълим мактабининг 7-синфида ўқийман, — дейди танловнинг «Суғурта менинг тасаввуримда» йўналишида 1-ўринни эгаллаган Мафтуна Махамаджонова. — Расм чизишга бўлган қизиқишим 5 ёшимда уйғонган. Танловда қатнашиб, суғурта борасидаги қарашларим шаклланди. Ғолибликни қўлга киритишимда ўқитувчиларимнинг ўрни беқиёс.

— Болалигимдан расм чизишга қизиққанман, — дейди Шайхонтоҳур туманидаги 20-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Исломбек Ҳакимов. — Ўзига хос санъат асарларини кўриб, илҳомланиб мен ҳам расм чиза бошлаганман. Бу танловда ғолиб бўлишимда расм тўгарагидаги устозим Қобилжон ака Ориповнинг кўмаклари катта бўлди. «Суғурта менинг тасаввуримда» номинациясида 1-ўринни қўлга киритдим. Тарғиботчиларнинг суғурта бўйича ўтказган семинар-тренинглари бизнинг бу борадаги билимларимизни оширди. Келгуси ҳаётимизда бундай кўникмалар жуда асқотади. Яна бир эътиборли жиҳати мазкур танловда икки синфдошим ҳам «Кафолат» 18 ёшда» номинациясида 1- ва 2-ўринларни эгаллашди.

Танлов давомида тарғибот ишларини олиб борган тарғиботчилар ҳамда ғолибликни қўлга киритган ўқувчиларга «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамда «Кафолат» давлат акциядорлик суғурта компанияси АЖ Тошкент шаҳар филиалининг диплом ҳамда қимматбаҳо совғалари топширилди. Тадбир доирасида суғурта борасидаги билимларини синамоқчи бўлган ёшлар учун викторина ўйинлари ташкил этилди. Билимдон ва зукко ёшларга тарқатма материал ва совғалар берилди. Элимиз суйган хонандалар ижросидаги куй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Ўтказилган бу каби тадбирлар аҳолига кўрсатилаётган суғурта хизматлари сифатини оширади ҳамда ёш авлоднинг дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ёлқин Шамсиддинов олган сурат

Сайлов — 2015

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов меҳмонларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов тўғрисидаги қонунларга мувофиқ очиқ ва ошкора ўтказилаётган 2015 йилги сайлов кампаниясининг ўзига хос хусусиятлари билан таништирди.

Халқаро кузатувчиларга Президентликка номзодларнинг сайловолди ташвиқоти ҳақида ҳам сўзлаб берилди. Сайлов жараёни иштирокчилари сайловолди ташвиқотини ўтказиши ва шу мақсадда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши учун тенг шароитлар билан таъминлангани таъкидланди.

АҚШ кузатувчиларининг қайд этишича, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий жараёнлар изчил ривожланмоқда ва бу мамлакатимизда демократик ислоҳотлар янада чуқурлашаётгани натижасидир. Улар Президентликка номзодлар томонидан ўтказилаётган сайловолди ташвиқотини ижобий баҳолади.

Шунингдек, япониялик кузатувчи Кюдзо Като ва Покистон Миллий ассамблеяси депутати Гоус Бах Хон Махр билан учрашувлар бўлиб ўтди.

– Ўзбекистонга илк бор эллик йил аввал келгандим, – деди К.Като. – Шу вақт ичида мамлакатингизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, иқтисодий ва молиявий соҳаларида туб ўзгаришлар амалга оширилди. Ўзбекистон сайлов тизимидан яхши хабардорман. Мамлакат Президентлигига сайлов ҳам юксак даражада ўтишига ишонаман.

Халқаро кузатувчиларга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда қатнашиш ҳуқуқини берадиган мандатлар топширилди.

Бобур ОБИДОВ,
ЎзА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни Олий Мажлис Сенатининг Раиси Н.Йўлдошев бошқарди.

Сенат Кенгаши мажлисида Олий Мажлис Сенатининг 2015 йил 22 январда ўтказилган биринчи мажлисида, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2015 йил 23 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган Олий Мажлис Сенатининг келгуси даврга мўлжалланган фаолиятининг устувор йўналишлари муҳокама этилди.

Мажлисда таъкидланганидек, қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини чуқур ўрганиб чиқиш асосида ишга янги киришган Сенат томонидан ҳозирги замон талаблари инобатга олинган ҳолда қонун ижодкорлиги ва қонунчилик фаолияти сифатини оширишга қаратилган вазифаларни бажариш бўйича 2015 йилга ва кейинги йилларга мўлжалланган тегишли Ҳаракат дастури тайёрланди.

Сенат Кенгаши мажлисида сўзга чиққан сенаторлар таъкидлаганларидек, ушбу Ҳаракат дастурида олимлар, юқори малакали мутахассислар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг кенг доирасини жалб қилган ҳолда қабул қилинаётган қонунларнинг пухта муҳокама этилишини таъминлаш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, тўғридан-тўғри таъсир кўрсатадиган қонунларни, кодификация қилинган қонун ҳужжатларини қабул қилиш, янги қабул қилинган қонунлар қоидаларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган қонуности ҳужжатларини ўз вақтида эълон қилишга доир тадбирларнинг амалга оширилиши назарда тутилган.

Шунингдек, Ҳаракат дастурида парламент палаталари, Сенат ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ўзаро ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш, фаолиятни хориж ҳуқуқий амалиёти билан чуқур қиёсий таҳлил қилиш, янги қабул қилинган қонунларнинг тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун зарур бўлган қонуности ҳужжатларининг ўз вақтида қабул қилиниши устидан парламент назоратини кучайтириш, Сенат фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, жамоатчиликни унинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан хабардор қилиш чора-тадбирлари назарда тутилган.

Ҳужжатда мамлакатимизни ва минтақаларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда Сенат қўмиталарининг назорат-таҳлил фаолиятини амалга ошириш ҳамда 2015-2016 йилларда Олий Мажлис палаталарининг ягона ахборот тизимини яратиш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда рўёбга чиқариш белгилаб олинган.

Сенаторлар таъкидлаганларидек, келгуси даврга мўлжалланган Ҳаракат дастурининг амалга оширилиши демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожлантириш борасидаги фаолият самарадорлигини ошириш имконини беради.

Олий Мажлис Сенати Кенгаши аъзолари Сенатнинг Ҳаракат дастурини маъқулладилар.

Шундан сўнг Сенат Кенгаши аъзолари кун тартибига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг 2015 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқладилар.

Сенат Кенгаши ўз ваколатига кирадиган бошқа масалаларни ҳам кўриб чиқди.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Кенгаши тегишли қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Қорақалпоғистон Республикаси Элликқалъа туманида 48 ёш оилага мўлжалланган «Камолот» уйи» фойдаланишга топширилди. Замонавий лойиҳалар асосида барпо этилган кўп қаватли уйда барча шароит ва қулайликлар яратилган. Ёш оилалар учун яратилаётган бундай шароитлар жисмонан соғлом, маънан етук, мустақил фикрлайдиган ва юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

● Наврўз байрами арафасида Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларида «Она замин саховати» деб номланган савдо ярмаркалари ташкил этилди. Андижон шаҳар маркази ҳамда шаҳардаги ўн иккита маҳалла гузарида иш бошлаган шундай ярмаркалар расталарида «Андижонгўштсутсавдо», «Андижонбалиқ» масъулияти чекланган жамиятлари, агрофирмалар, паррандачилик корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа савдо ташкилотларининг элликдан ортиқ турдаги озиқ-овқат, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари арзонлаштирилган нархларда сотилмоқда.

● Термиз шаҳрида замонавий жиҳозланган чинни буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилди. Ушбу «Surxon Termiz Chinni» корхонасини бунёд этиш учун «Алоқабанк» Сурхондарё филиалининг 7 миллиард 400 миллион сўм кредит маблағидан фойдаланилган бўлиб, бу ерда йилига саккиз миллион донагача сифатли, арзон чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш қуввати мавжуд.

● Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ўтказилаётган «Камолот» шахмат тахтаси» республика турнирининг Наманган вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда 120 нафар ўғил-қиз баҳслашди.

ЖАҲОНДА

● Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълум қилишича, ўткир вирусли касаллик ҳисобланмиш Эбола безгаги ер курраси бўйлаб уни назорат қилишга йўналтирилган саъй-ҳаракатлардан анча тезроқ даражада тарқалиб бормоқда. Унга қарши самарали вакцина ҳозирча мавжуд эмас. Шу боис ЖССТ ушбу хасталикни даволашда тажриба тариқасидаги дори-дармонлардан фойдаланишни тавсия этмоқда.

● Таиланд маъмурлари деҳқонларга 20 минг гектарга яқин ерни ажратишга қарор қилди. Давлат томонидан ерни ноқонуний тарзда олган ёки ҳудудлардан фойдаланиш шартларини бузган кишилардан мусодара этилган ушбу майдонлар ерсиз деҳқон оилаларига хўжалик юритиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш мақсадида ажратилмоқда.

● Кеча Танзанияда 2та автобус ҳайдовчилари томонидан ҳаракатланиш тезлиги бузилганлиги сабабли рўй берган автотўқнашув натижасида 7 киши ҳалок бўлди, 48 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатларини олди.

29 март — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда учрашувлар бўлиб ўтмоқда.

УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ — МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТЛАР САМАРАСИ



Яшнобод туманидаги Яшнобод қурилиш касб-ҳунар коллежи, Чилонзор туманидаги 1-Тошкент педагогика коллежи, Шайхонтоҳур туманидаги Ўзбекистон давлат жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ишончли вакили Зайниддин Низомходжаевнинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирда Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси аъзолари, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари, партия фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Ишончли вакил З.Низомходжаев Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан тадбир иштирокчиларини таништириб ўтди.

Хусусан, номзоднинг дастурида мамлакатимиз куч-қудрати, тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлаш, халқимиз фаровонлигини ҳар томонлама юксалтиришга қаратилган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистоннинг дунёдаги тараққий топган давлатлар қаторидан ўрин олишида муҳим омиллардан бири бўлган хусусий мулкчиликни янада ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонлар, фермерлик ҳаракати, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси вакилларини қўллаб-қувватлаш, саноатни модернизациялашга доир ислоҳотларни янги босқичга кўтариш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини қайта кўриб чиқиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, инвестициявий муҳитни такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, барча давлатлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби устувор йўналишлар ўз ифодасини топган.

Шунингдек, ишончли вакил мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Зеро, улкан бунёдкорлик ва модернизация жараёнлари миллий иқтисодиётимизнинг юксалишида асосий омил бўлмоқда.

Тошкент шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сафи тобора кенгайиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида йирик лойиҳалар ўзлаштирилмоқда. Натижада хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик ўрнатилиб, экспортчи тадбиркорларни дунё танимоқда.

Тошкент мамлакатимизнинг бош шаҳри, юртимизнинг бутун кўрку тароватини ўзида намоён этган пойтахтимиздир.

Шаҳримиздаги қадимги номларда ота-боболаримизнинг ҳаёт ва тафаккур тарихи яққол ўз аксини топган. Масалан, Тошкентнинг Эски шаҳар қисмидаги Пичоқчилик, Чархчилик, Кўнчилик, Дегрезлик, Тақачи, Эгарчи, Ўқчи, Заргарлик, Парчабоф сингари маҳалла номлари бу ерда ҳунармандчилик нақадар ривожланганидан, халқимизнинг азалдан ўтроқ ҳаёт кечириб, юксак маданий турмуш даражасига эга бўлганидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, мустақиллик шарофати билан Миробод, Ракат, Мингўрик, Дархонариқ, Шайхонтоҳур, Яккасарой, Зарқайнар, Учтепа, Олмазор, Яшнобод каби асл номларнинг тикланганини, энг муҳими, бундай ишлар мамлакатимизнинг барча минтақа ва ҳудудлари миқёсида амалга оширилаётганини таъкидлаш жоиз.

Истиқлол йилларида пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди ва бу борадаги ишлар изчил давом этмоқда. Шаҳар ўзининг жозибасини сақлаган ҳолда янгиланиб, замонавий қиёфага эга бўлмоқда, узоқни ўйлаб тузилган режа асосида муттасил ривожланиб бормоқда.

Пойтахтимизда миллий меъморлик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилаётган иншоотлар, йўллар, йўл ўтказгичлар, кўприклар бунинг ёрқин мисолидир.

Давлатимиз раҳбари ғояси, ташаббуси ва раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдоннинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

Мустақиллик майдонида Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, Бахтиёр она ҳайкали ҳамда хотира майдонлари ташкил этилиб, Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилди.

Гўзал пойтахтимиз, унинг бош майдони – Мустақиллик майдони бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, буюк келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай улуғвор ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этади.

Шунингдек, пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонидаги ёдгорлик мажмуаси, Амир Темур ҳайкали, Темурийлар тарихи давлат музейи, Алишер Навоий ҳайкали, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, Ҳазрати Имом мажмуаси, Болалар ижодиёт маркази, Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Тасвирий санъат галереяси, Ўзбек миллий академик драма театри, Халқаро Симпозиумлар саройи, «Бунёдкор» стадиони ҳамда спорт комплекси ва бошқа кўплаб бундай янги мажмуа, иншоотлар шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов ғояси ва лойиҳаси асосида пойтахтимизнинг Эски шаҳар ҳудудининг бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра, бу ерда янги йўллар, кўприклар, замонавий уйлар, коммуникациялар барпо этилади.

Бу ишларнинг дастлабки самарасини халқимиз кўриб турибди. Масалан, Шайхонтоҳур туманининг Абдулла Қодирий ва Лабзак кўчалари кесишган чорраҳада замонавий кўприк бунёд этилиб ушбу транспорт боғламаси автомобилларнинг ҳаракатланиши учун кенг қулайликлар яратди. Кўприкнинг узунлиги 642, эни 12 метр.

Бунёдкорлик ишларининг узвий давоми сифатида Абдулла Қодирий кўчасига туташ кўчалар кенгайтирилди, собиқ «Динамо» спорт дўкони ўрнида замонавий савдо мажмуалари қад ростлади. Шаҳар ландшафтининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Анҳор каналига туташ кўчалар, майдон ва хиёбонларда яшил ҳудудлар кенгайтирилди.

Йўл – иқтисодиётнинг қон томири, муҳим коммуникация воситаси. Йўллар равон бўлган жойда ҳаёт фаровон бўлади, барча соҳалар равнақ топади. Масалан, Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида қурилган янги йўллар бунга мисол бўла олади.

Пойтахтимизда яна бир янги йўлнинг қурилиши бу борадаги ишларнинг изчил давомидир. 5,1 километрлик бу йўл Олмазор туманидаги Беруний кўчасидан бошланиб, Шайхонтоҳур туманидаги Хуршид кўчасига қадар давом этади. Фаробий, Сағбон, Қорасарой, Себзор ва Лабзак каби кўчаларни ўзаро боғлайди. Илгари Тошкентнинг барча қисмида, хусусан, Эски шаҳарда уйлар, бозорлар пала-партиш қуриб ташланган. Оқибатда тор, эгри-бугри кўчалар ҳосил бўлган. Бу транспорт ҳаракатини қийинлаштириб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ортиқча вақт йўқотишига, ёнилғи сарфи ошиб, атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлган. Эски шаҳар аҳолиси асрлар давомида шундай қийин шароитларда яшаб келган, бу муаммони ҳеч ким ўйламаган. Бу масалани атрофлича ўрганиб, Эски шаҳарнинг бош режаси ишлаб чиқилди. Бу режа Эски шаҳарни ҳамма ҳавас қиладиган замонавий шаҳарга айлантиради.

Йўллар билан параллел равишда барча коммуникациялар ва муҳандислик инфратузилмаси бунёд этилган. Келгусида йўл атрофида замонавий уй-жойлар, ижтимоий объектлар қурилиши режалаштирилган ва у амалга оширилмоқда. Президентимизнинг тавсиясига мувофиқ, кўп қаватли уйлар қурилишида шамол йўналиши, қуёш нурининг қандай тушишигача ҳисобга олинган. Лойиҳага кўра, турар жойлар уч ва беш қаватли бўлади. Чорраҳаларда фаввора ва гулзорлар, Калковуз ариғи бўйида сайилгоҳ барпо этилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай улкан миқёсдаги бунёдкорлик ишлари, ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат – Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараларидир. Юртимизнинг барча ҳудудларида қад ростлаган замонавий иншоотлар Ватанимиз юксак иқтисодий салоҳиятининг амалдаги ифодаси бўлиб, халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

ЖАМИЯТДА ҚОНУН УСТУВОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — БОШ ЙЎНАЛИШ



Яшнобод туманидаги Меҳмонхона хўжалиги ва сервис касб-ҳунар коллежи, Чилонзор туманидаги Республика гематология ва қон қуйиш институти, Сергели туманидаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасида ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОД НАРИМОН УМАРОВНИНГ ишончли вакили Парида Парманованинг сайловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирларда Тошкент шаҳар ва туман партия Кенгаши ходимлари, маҳалла фаоллари, тадбиркорлар, талабалар, кенг жамоатчилик вакиллари ва бошқалар иштирок этди.

Учрашувларда сўзга чиққан П.Парманова Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнларида фаол иштирок этаётганлиги, партиянинг аҳолининг кенг қатламлари орасида обрў-эътиборга ҳамда мамлакат сиёсий майдонида ўзининг қиёфасига эга бўлиш борасидаги ҳаракатлари ҳамда яқинда бўлиб ўтган VII Қурултой ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдириб, шу билан бирга номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловолди дастури билан сайловчиларни батафсил таништирди ва қуйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтди.

Айтиш жоизки, номзоднинг сайловолди дастурида инсон манфаатлари олий қадрият сифатида баҳоланган. Бу жараёнда «Инсон — мамлакатнинг асосий бойлиги», «Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони», «Адолат — ҳар бир инсон учун» тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий этиш партиянинг асосий вазифаларидан бири сирасига киради.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда эса партия аввало қонун устуворлигини таъминлашни муҳим деб ҳисоблайди. Ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар барчага тенг имкониятлар тақдим этиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш биз учун устувор йўналишлар бўлиб ҳисобланади, дея қайд этди ишончли вакил.

Барчамизга маълумки, жамиятдаги ижтимоий ҳаётимизни қонунлар бошқаради. Қонунлар қанчалик мукаммал ва ҳаётий бўлса ҳуқуқ ва эркинликларимиз шунчалик ишончли ҳимоя қилинади. Шу сабабдан биз қонуности ҳужжатлари ҳажмининг қисқартирилишига, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришишга, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратишга, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғоясини татбиқ этилишига ҳаракат қиламиз. Ушбу вазифаларни амалга оширишда биз албатта, давлат ҳокимияти вакиллик органларида шакллантирилган депутатлик корпусларимизнинг салоҳият ва имкониятларига таянамиз.

Шу ўринда яна бир нарсага эътиборингизни қаратишни истар эдик. Биз бошқа сиёсий рақобатчиларимиздан фарқли равишда мамлакатимиз келажагини инновацион иқтисодиётда, деб биламиз.

Шу ўринда, хўш инновациянинг ўзи нима, деган савол туғилиши мумкин, албатта. Бу борада биз иқтисодиётга фақатгина янги ва илғор технологияларни жорий этиш керак деб биламиз. Айнан ушбу омил давлатимиз қудратини оширади, ижтимоий соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади.

Янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иқтисодиёт фан ва техниканинг энг замонавий ютуқларига, шунингдек, илғор инновацион тафаккурни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши керак.

Бугун кундалик ҳаётимизда оммавий ахборот воситалари орқали «яшил иқтисодиёт» деган атамани кўп бора эшитмоқдамиз. Буни бугун дунёда кечаётган глобаллашув жараёни тақозо қилмоқда. Бунга эса давлатнинг бошқарувчилик ролисиз эришиб бўлмайди.

Шу сабабдан биз иқтисодиётни ривожлантиришнинг «яшил йўл»га ўтишида давлатнинг етакчилик ролини ошириш тарафдоримиз. Яъни, қачонки, давлат томонидан зарур инфратузилма ва бошқарувнинг самарали тизими яратилса, шунда иқтисодиётга хусусий сармоялар кириб келади, экологик тоза ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади.

Биз мамлакатимизда «Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун» тамойили асосида олиб борилаётган сиёсатни ривожлантиришга ҳаракат қиламиз. Аҳолининг турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этамиз.

Айни пайтда биз ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмаслигини яхши англаймиз. Шу сабабли фуқаролар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, корхоналарда ходимларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Гувоҳи бўлиб турганимиздек, учрашувларда иштирок этаётганлар орасида хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Шу муносабат билан яна бир муҳим масалага эътибор қаратишимиз жоиздир.

Биз хотин-қизларнинг жамият сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги кенг кўламли ислоҳотларни босқичма-босқич давом эттириш тарафдоримиз. Биз ҳар доим иқтидорли ҳамда юқори малакали хотин-қизлар учун янада кенг имкониятлар яратилишини таъминлашга интиламиз.

Шунингдек, иқтисодиёт тармоқларида энергияни тежаш ва муқобил энергия манбаларини ҳаётга кенг жорий этиш ғоясини илгари сурамиз.

Шундан сўнг номзоднинг Сайловолди дастури бўйича партия фаоли Я.Худойберганов, Яшнобод туман ДСЭНМ бош шифокори ўринбосари Г.Каримова, «Мустақилликнинг 10 йиллиги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Р.Тўраев, Республика гематология ва қон қуйиш институти директори А.Саидов, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлари О.Ибрагимов, Д.Рахимжонова, 182-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Ҳ.Рихсибаева, Ўзбекистон «Адолат» СДП Сергели туман Кенгаши раиси Г.Мурадова ва бошқалар сўзга чиқдилар ва бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши матбуот хизмати

Сайлов — 2015

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ УЧРАШУВЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро ташкилотларнинг кузатувчилар миссиялари вакиллари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси аъзолари билан учрашувда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида ислоҳотлар қандай амалга оширилаётгани ва уларнинг моҳияти ҳақида сўзлаб берилди.

Мустақил суд ҳокимиятини шакллантириш, суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, одил судлов самарадорлиги ҳамда сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жамиятимизда тинчлик-хотиржамликни сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани таъкидланди.

Мамлакатимиз Бош Қомуси ва қонун ҳужжатларида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва принциплари ўз ифодасини топгани Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг ишончли ҳуқуқий кафолати экани ҳақида сўз юритилди.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси экспертларига мамлакатимиз сайлов қонунчилиги, хусусан, сайлов қонунчилиги бузилган ҳолларда келиб тушиши мумкин бўлган аризаларни кўриб чиқиш масаласи ҳақида сўзлаб берилди.

ЕХҲТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси миссияси вакиллари Мария Кристеле Милли ва Энира Броницкая Ўзбекистон миллий қонунчилигида бўлажак сайловни очиқлик, ошкоралик ва адолатлилик каби демократик тамойиллар асосида ўтказишни қафолатлайдиган барча ҳуқуқий жараёнлар кўзда тутилганини қайд этди.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссияси вакиллари билан ҳам учрашув ўтказилди. Учрашувда Ўзбекистон судьялар корпуси демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини қуришга салмоқли ҳисса қўшаётгани, бу борада қонун устуворлиги, одил судловни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шу жумладан, сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиш принципларига риоя этаётгани таъкидланди.

Учрашувда мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани ҳақида ҳам сўз юритилди.

МДҲ Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси халқаро стандартларга ва миллий қонунчиликка тўлиқ мувофиқ ўтказилаётганини таъкидлади.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси бўлим бошлиғи Евгений Слобода билан бўлиб ўтган учрашувда сайлов фуқароларнинг хоҳиш-иродасини эркин билдириш, шу орқали давлат бошқарувида қатнашишининг энг муҳим шарти экани таъкидланди.

Мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ҳамда сайлов қонунчилигини ривожлантириш йўлида кенг кўламли ишлар олиб борилгани қайд этилди. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси давлат ва жамият қурилиши, ҳуқуқий тизим, жумладан, сайлов қонунчилигини янада такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Шу асосда сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар сайлов жараёнини либераллаштириш, унинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдириши учун мавжуд механизмларни янада мустаҳкамлади.

Сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини таъминлаш, сайлов қонунчилигининг бузилишига йўл қўймасликка оид қоидаларнинг мустаҳкамлангани сайлов ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтирди.

– Ўзбекистонда сайловларни демократик руҳда ўтказиш учун катта тайёргарлик кўрилган, – дейди Евгений Слобода. – Сайлов участкаларида сайловни ўтказиш билан боғлиқ зарур чора-тадбирлар юксак даражада ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Энг муҳими, фуқароларнинг сайловга тайёргарлик кайфияти юқори. Бу уларнинг тинч, фаровон ҳаёт кечираётгани, эртанги кунга бўлган ишончи ифодасидир.

Мамлакатимиз Бош прокуратурасида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг элчи Каетана де Зулуета раҳбарлигидаги кузатувчилари миссияси вакиллари билан ҳам учрашув бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқларидан эркин фойдаланиши борасида барча зарур имкониятлар яратилгани, прокуратура органлари сайлов қонунчилигига риоя этилиши борасида муайян ишларни амалга ошираётгани таъкидланди.

– Ўзбекистонда бундан йигирма йил аввал бўлганман. Ўтган даврда мамлакатингизда жуда катта ўзгариш ва янгиланишлар амалга оширилгани эътиборимни тортди, – дейди Каетана де Зулуета. – Сайлов кампаниясининг боришини кузатишимиз, сайлов қонунчилиги ҳақида батафсил маълумот олишимиз учун барча шарт-шароит яратилган. Чекка ҳудудлардаги сайлов участкалари фаолияти билан ҳам танишиш имкониятига эга бўлдик. Ҳамма жойда сайловни юқори савияда ўтказиш учун яхши тайёргарлик кўрилган.

Б.ОБИДОВ, Н.АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбирлари

НАВРЎЗНИНГ НУРАФШОН КУНЛАРИ



Наврўз – энг қадимий миллий байрамимиз. У юртимизда тўрт минг йилдан бери нишонлаб келинади.

Аммо шўро сиёсати шу миллий қадриятимизга қарши ҳам кескин кураш олиб борди. 1990 йилдан буён уни яна кенг миқёсда нишонлашга киришдик. Бугун Наврўз мамлакатимизда дам олиш куни сифатида тантана қилинадиган умумхалқ байрамлардан бирига айланган.

Шу йилнинг 25 февралида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори қабул қилиниб, бу борадаги аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Бутун Ўзбекистонимизда, жумладан, Тошкент шаҳрининг турли маҳалла, муассаса ва корхоналарида Наврўзни нишонлаш тантаналари бошланиб кетди.

Тўрт нуқтанинг бири

Бир йилда кун ва туннинг ўзаро нисбати билан боғлиқ тўрт нуқта бор. Шунинг биринчиси – Наврўз. Бу кун билан туннинг ўзаро тенг келган маҳалини нишонлаш байрами ҳисобланади. 21 мартда айнан бир кеча-кундузнинг нақд 12 соати – ёруғ, қолган 12 соати – қоронғи бўлади. Бу *баҳорий эътидол (тенгкунлик)* дейилади.

Наврўздан эътиборан энди куннинг ҳиссаси ортиб, туннинг улуши қисқариб бораверади. Бу жараён уч ой давом этади. Июннинг учинчи ўн кунлиги бошида энди кун – энг узун, тун – энг қисқа бўлиб қолади.

22 сентябрга бориб яна кун билан тун тенглашади. Бу *«кузги эътидол»* дейилади. Бунинг Наврўздан фарқи шундаки, энди ҳар куни туннинг ҳиссаси ошиб, куннинг улуши камайиб бораверади.

22 декабрда эса йилнинг энг узун туни ва кунинг энг қисқаси бўлади. Ота-боболаримиз буни *«ялдо кечаси»* дейишган.

Қадим аждодларимиз ҳаётларини табиат билан уйғун ҳолда ўтказишнинг турли-туман йўлларини излаб топишган. Наврўзнинг тўрт минг йилдан буён юртимизда байрам қилиб келиниши бунинг ёрқин бир далили бўла олади.

Қатағонга учраган байрам

Кўриниб турибдики, **Наврўз – соф табиат байрами. Унинг бирон-бир сиёсатга, мафкурага, динга алоқаси йўқ.** Шу билан бирга, у шарқона, минтақавий, ўта миллий байрам.

Айнан ана шу – миллий бўлгани учун ҳам эски тузум ва унинг ҳукмрон мафкураси уни чеклади. Чунки у сиёсат миллатларнинг эркин равнақ топишини сира-сира истамас эди. Наврўзга ҳужум моҳиятан миллатга ҳужум эди. Шундай даврлар ҳам бўлдики, динга қарши кураш байроғи остида билиб-билмай Наврўзда халқ пиширган сумалагу ҳалим қозонларини тўнтариб ташлаган бошлиқлар ҳам топилди.

Собиқ иттифоқда бошланган сохталикка йўғрилган қайта қуриш ва ошкоралик сиёсатида ҳам «қама-қама»ларга чек қўйилмаган эди. Ўша кезларда мансаб курсисидан айрилиб қолиш васвасасига тушган айримлар халқнинг тўрт минг йиллик байрамини меҳнаткашнинг қалбидек оппоқ қоғозга битилган қарор – «зуғумнома» билан даф қилмоқчи, унинг ўрнига сунъий равишда март ойининг охирида янгича, *«Навбаҳор»* деб аталган байрамни жорий этмоқчи бўлишди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, ҳатто, айрим зиёлиларимиз матбуотда чиқиш қилиб, Наврўзнинг ўрнига «Навбаҳор» деган «янги байрам» жорий этиш таклифини ҳам билдиришгача бордилар. Бундан ҳар қанча кўз юммайлик, тарих тарихлигича қолаверади...

Лекин табиат ҳуқуқсиз бир инсон эмас эдики, бундай қарорлардан қўрқса!

Ўша йили ҳам тун билан кун, барибир, баробар келди. *Эътидоли рабиъий,* яъни баҳорги кеча ва кундуз тенглиги содир бўлди. Дунё яшарди. Майсалар кўкларди. Боғлар чаман бўлди. Дарахтлар қийғос гуллади. Деҳқон экин-тикинини бошлаб юборди...

Эҳтимол, кимдир бугунга келиб Наврўз қандай байрам, унинг тарихи, истибдод замонларида бу миллий қадриятимизга қанақа ҳужумлар бўлганини санаб ўтириш шарт эмас, деб ҳисоблар. Аммо *ўтмиш хатоларидан тўғри хулоса чиқариш учун ҳам, бугуннинг қадрига етиш учун ҳам бу жуда-жуда керак,* деб ҳисоблаймиз.

Бироқ халқ – халқ-да. У собиқ тузум даврида ҳам зимдан Наврўзни байрам қилаверди. Фақат энди бу давлат миқёсида қўллаб-қувватланмади, ҳар ким уни ўз-ўзича, тазйиқ бўлган маҳалларда, ҳатто, яширинча нишонлади.

Наврўзнинг қайта тикланиши

Мустабид тузум камситган қадриятларимизнинг дастлаб қайта тикланганларидан бири ҳам айнан – Наврўз байрами эди.

1989 йилнинг 23 июнида муҳтарам Ислом Каримов Ўзбекистон раҳбари бўлди. Кейинги – 1990 йилнинг баҳоридаёқ юртимизда Наврўз кенг ва ошкора байрам қилинди. 1991 йили эса Ўзбекистонда, ҳали собиқ иттифоқ таркибида туриб бўлса ҳам, Наврўз айёми дам олиш куни деб эълон қилиниб, умумхалқ байрами сифатида нишонлана бошланди.

Бу ажиб хушхабар эди. Бу Наврўзнинг қайта тикланиши эди. Бу Ўзбекистонда Истиқлол шабадалари эса бошлаганидан далолат берарди. Республика ўз миллий сиёсатини дадил юритишга киришган эди. Бир йил бурун Наврўз ҳақида сўз очганларнинг оғзига талқон тиқилган бўлса, шу йил айнан мазкур байрамни баралла таърифлашга имкон яратилди.











«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида Наврўз таърифи

Юртбошимизнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» асарларининг биринчи боби *«Маънавият – инсоннинг улғайиш ва куч-қудрат манбаидир»* деб номланади. Унинг *«Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар»* фаслида Наврўз, унинг миллий маънавиятимизда тутган ўрни ҳақида қимматли фикрлар илгари сурилган.

Унда *«шарқона янги йил бўлмиш Наврўз»*га айнан *«халқимиз учун энг азиз миллий байрам»* сифатида қаралади. Шу тариқа бу айёмга бугунги муносабатимиз баён этилади: ***«Барчамиз доимо орзиқиб кутадиган ва катта хурсандчилик, шодиёна билан ўтказадиган Наврўз байрами биз учун абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг, кўп минг йиллик миллий қиёфамиз, олижаноб урф-одатларимизнинг бетакрор ифодаси бўлиб келмоқда».***

Китобда ота-боболаримиз руҳий оламининг томир-илдизларини таҳлил этар экан, улар *«маънавий заминда, тарихда ҳам, бугун ҳам барчанинг ҳавасини тортиб келаётган олижаноб фазилатлар асосида шаклланган»и* алоҳида қайд этилган.

Бунда *«янгиланиш ва эзгулик тимсоли бўлган»* Наврўзнинг ўз ўрни ва мавқеи бор, албатта: *«...Наврўз фалсафаси халқимизга мансуб одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби юксак хусусиятлардан озиқланиб келгани, аждодларимиз асрлар давомида қандай буюк умуминсоний ғоялардан баҳраманд бўлиб, маънавий камол топганининг яна бир тасдиғидир, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди».*

Ўзбек тилидаги биринчи ғазал – Наврўз ҳақида

Туркий тилда битилган ва бизгача етиб келган илк ғазаллар – Носириддин Рабғузий қаламига мансуб. Унинг XIV асрнинг бошида, аниқроғи, милодий 1310 йилнинг айнан Наврўзга келиб тугайдиган ҳут ойида ёзиб битирилган машҳур «Қиссаси Рабғузий» асаридаги бир ғазал айнан Наврўзга бағишланади.

11 байтли бу асар:

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам Наврўзи,
Кечти баҳман замҳарир қиш,
қолмади қори бузи, –

деган матла билан бошланиб:

Ҳури ин ужмоҳ ичинда енг солиб таҳсин қилур,
Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишди
Носир Рабғузий, –

деган мақта билан тугалланади.

Ўртадаги байтлар *Наврўзда ўлган жаҳоннинг қайта тирилиши, Ер юзининг безаниши, ёбонларнинг ёзи бошланиб, ҳаммаёқ яшилу қизил ранглар*га бурканиши, *толлар чечаклар чиқариши, лолани кўриб, сандувоч (булбул) сайраши, турналарнинг ун тортиб ўтиши, кўкда ғозлару қарлуғоч (қалдирғоч)ларнинг парвоз этиши, тўти, қумриларнинг тол дарахтларда сайрашиб, мажлис қуриши, майдонларнинг чечакларга бурканиши...* ҳақида завқ-шавқ билан сўзлайди.

Илҳом манбаи

XIV аср ўзбек шоири Хоразмий ўзининг «Муҳаббатнома» асарида Наврўзни бир гўзал қиз ё келинчак каби тасаввур қилиб, *(Тангри) унинг қизил юзида менг – катта хол яратди, лекин бўйи билан сочини тенг яратди,* дейди:

Анингким, ол энгинда менг яратти,
Бўйи бирла сочини тенг яратти.

Бундаги қизил юз (*«ол энг»*) ва *«бўй»* рамзан – кундузни, *«менг»* ва *«соч»* – кечани билдиради. Демак, *Худо кундуз билан кечани тенг қилиб яратди,* дейилмоқчи. Умуман олганда, йил давомида жами кундузлар билан жами кечалар йиғиндиси ўзаро тенг. Байт бу маънода ҳам ўзини оқлайверади.

Ҳайдар Хоразмийнинг XV аср бошларида яратилган «Гул ва Наврўз» достонида ошиқ йигитнинг номи – Наврўз, маъшуқасининг исми – Гул. Бу асар ҳам ўзбек шеъриятида Наврўз мавзуси нақадар пухта ишланганидан далолат беради.

XIX аср атоқли шоири Муқимийнинг:

Навбаҳор очилди гуллар, сабза бўлди боғлар,
Суҳбат айлайлик, келинглар,
жўралар, ўртоғлар, –

деб бошланадиган ғазали ҳам Наврўз илҳоми билан қоғозга тушган.

Хуллас, ўзбек адабиётида Наврўз ҳақида шеър битмаган шоир топилмаса керак.

Наврўз – Навоий талқинида

Наврўз ва Навоий...

Бир-бирига нақадар боғлиқ тушунчалар. Гарчи Наврўзни нишонлаш ўзбек учун Навоийдан неча-неча асрлар олдиндан мерос бўлиб келаётган бўлса-да, бу байрамга улуғ шоиримизнинг муносабатини билиш бугун учун ҳам, келажак учун ҳам – жуда зарур.

Аввало, Наврўз Навоий учун муҳим бир бадиий восита вазифасини ўтаган.

Шоирнинг жами 6та ғазали – «Наводир ушшабоб» девонидаги 210-, «Бадойиъ ул-васат» девонидаги 214-, 215-, 437- ва 466-, «Фавойид ул-кибар» девонидаги 420-ғазаллари айнан Наврўзга бағишланган ёки шоир бу шеърларида ҳис-туйғу, фикр-қарашларини шу табиат байрами воситасида акс эттирган.

Навоий ғазалларидан биридаги мана бу байтда тун-кун тенглиги бўй билан сочнинг баробарлигига қиёс қилинади:

Васл аро кўрдум, тенг эмиш бўйию сочи,
Тун-кун тенг экан, зоҳир ўлур бўлди чу Наврўз.

Бу ерда Хоразмий байтидаги гўзал ташбеҳдан ижодий фойдаланилгани кўриниб турибди.

Кўриб ўтганимиздек, *«Бўйи бирла сочини тенг яратти»* – туркий шеъриятда Хоразмийнинг соҳир қалами қўшган топилма. Навоий эса адабиёт, хусусан, туркий шеъриятдаги «йилт» этган бирор нарсани ҳам имкон қадар кўздан қочирмагани – аниқ. Кейин ўша бадиий топилма шу шеъриятнинг мулкига айланган, бошқа шоирлар ундан фойдаланган. Фақат унга нимадир янгилик қўшибгина ишлатиш шарт бўлган.

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккирининг бир ғазалидаги:

Ҳар тунунг қадр ўлубон,
ҳар кунунг ўлсун Наврўз, –

деган мисраси мустақиллик йилларида эл орасида шунчалар машҳур бўлиб кетдики, рости гап, бугун орамизда бу сатрни ёд билмаган киши кам топилса керак.

Маълумки, Навоий жами олтита достон яратган. Уларнинг бештаси «Хамса» эпопеясини ташкил этади. Умрининг сўнгги йилларида эса шоир олтинчи маснавийси – «Лисон ут-тайр»ни битди. Ана шу достонларининг барчасида Наврўз кенг миқёсда тасвирланган.

Ўзбекистонда Наврўз шукуҳи

Наврўз Шарқнинг бизнинг ўлкамиз жойлашган катта минтақасида – Эрон, Озарбойжон, Афғонистон, Покистон, Марказий Осиё ҳудудларида нишонланади.

Бироқ дунёнинг ҳеч бир ерида бу байрам биздагичалик давлат миқёсида эътибор бериладиган юксак даражада нишонланмаса керак.

Мустақиллик йилларида Наврўз бизда умумхалқ байрамига айланди. У амалда ирқи, дини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистонимизнинг барча фуқароларининг қалбидан чуқур ўрин олди. Бу байрам халқни янада жипслаштириш, бир мақсад, бир ғоя, бир эзгу ниятга уйғунлаштиришга муносиб хизмат қилиб келяпти. Шундай даражага етдикки, мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари бу байрамни ўзларининг миллий урф-одат, анъана ва қадриятлари билан уйғунлаштирган ҳолда нишонлай бошлади. Эътибор қилган бўлсангиз, айнан шу байрам бизда миллат ва элатларнинг ўзлигини, урф-одат ва анъаналарини, қадрият ва маънавиятларини, адабиёт ва санъатларини намоён этиш майдонига айланиб кетди.

Наврўз бизда чинакам меҳр-мурувват, саховат, садоқат тимсолига айланди.

Буларнинг барчаси замирида юртимиздаги тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, бунёдкорлик, жипслик, меҳр-мурувват, саховат каби фазилатлар ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланганини англаш қийин эмас.

Наврўз мустақил Ўзбекистонимиз халқи учун фақат байрам тантаналаридангина иборат тушунча эмас. Биринчидан, бу айёмга мамлакатимизда камида бир ой тайёргарлик кўрилади. Иккинчидан, Наврўз минтақа ва ҳудудларимизда камида яна бир ой давом этади. Учинчидан, Наврўз баҳонасида юртда қанчадан-қанча ободончилик ишлари амалга оширилади. Кўчакўйлар обод қилинади, дарахтлар буталади, бўялади, ариқ-зовурлар қазилади, уруғ ерга қадалади ва ҳоказо. Тўртинчидан, бу байрам сабаб бўлиб Ватанимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар бир тан, бир жон бўлиб, жипслашади. Бешинчидан, шу сана муносабати билан кам таъминланган оилалар аъзолари, кексалар, ёлғиз кимсалар, ногиронлар, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олинади, уларга моддий ва маънавий меҳр-мурувват кўрсатилади.

Наврўзнинг Ўзбекистонимиздаги таровати Ер юзининг ҳеч қаерида йўқ. Наврўзни байрам қилиш анъаналари ҳам ҳеч бир маконда биздаги каби ранг-баранг ва анъаналарга бой бўлмаса керак.

Тўрт минг йиллик ўтмиши давомида Наврўз юртимизда ҳеч қачон ҳозирги даражада кенг миқёсда умумхалқ байрами сифатида нишонланган эмас.

Наврўзнинг умумхалқ байрамига айлантирилиши одамларни табиат билан уйғун бўлиб яшашга ундайди. Она Ватанга муҳаббатни янада мустаҳкамлайди. Табиат уйғонишини, янги йилнинг киришини бунчалар тантана билан нишонлаш, албатта, киши кайфиятини кўтариб юборади. **Кўтаринки кайфият эса одамнинг яшашга иштиёқини, завқини оширади, ҳаётга муносабатини фаоллаштиради.**

Наврўз – жонажон Ўзбекистонимизда ана шундай чексиз куч-қудратга эга байрам.

Наврўзнинг нурафшон кунлари юртимизда айнан Истиқлол шарофати билан бошланганини бизда азалий миллий қадриятлар чинакам қадр топаётганининг ёрқин ифодасидир.

Олим МАҲМУДОВ

Реклама ўрнида

"3-АВТОБУС САРОЙИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

қадрли ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган Наврўз байрами билан самимий табриклайди. Қалбларни-қалбларга, дилларни-дилларга боғлаб келаётган фасли навбаҳор барчамизга яхшиликлар ва фароғатли кунларни насиб айласин. Янгиланиш ва яшариш байрами шукуҳи элимизга баҳорий кайфият ва фарахбахш кунларни қутлуғ қадамларида олиб келсин. Қалбингиздаги эзгу ниятларингиз сиз, азизларни асло тарк этмасин.




БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ

ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларини яшариш ва янгиланиш, покланиш ва нафосат байрами – Наврўзи олам билан чин кўнгилдан самимий табриклайди.

Она диёримиз узра кезаётган баҳор насимлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир гўшага қувонч ва бахт олиб келсин. Ватанимиз обод, кўнгилларимиз шод, хонадонларимиз нурафшон, ёшларимиз бахтли ва саодатли бўлишсин!




АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ЖАМОАСИ

КИРИБ КЕЛАЁТГАН НАВРЎЗИ ОЛАМ БАЙРАМИ БИЛАН ҚАДРЛИ ЮРТДОШЛАРИМИЗНИ МУБОРАКБОД ЭТАДИ!




Юртимиз бўйлаб кенг нишонланаётган яшариш ва янгиланиш байрами сиз азизларга фақат қувонч ва омадли кунларни насиб этсин. Хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака ва яхшиликлар доимо ёр бўлсин!



Баҳорнинг энг гўзал айёми бўлмиш НАВРЎЗ байрами билан барча ҳамшаҳарларимизни самимий қутлаймиз. Эзгулик айёмининг ҳар бир куни барчамизга сиҳат-саломатлик, шодлик ва фаровонлик улашсин. Баҳорий кайфият ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин!

"18-АВТОБУС САРОЙИ" ОАЖ ЖАМОАСИ

Реклама ўрнида









Реклама ўрнида





«Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган Маънавият ва маърифат марказида «Биз соғлом турмуш тарзини танлаймиз – эрта турмушга қаршимиз!» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирлар

БИЗ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАНЛАЙМИЗ

«Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш» лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда мутасадди ташкилотлар вакиллари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати аъзолари, Тошкент давлат молия институтига қарашли 1-, 2-сонли талабалар турар жойида истиқомат қилувчи талаба-ёшлар қатнашди.

Мамлакатимиз келажаги учун ҳар томонлама — ҳам жисмонан, ҳам маънан етук авлодни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга. Соғлом турмуш тарзининг тарғиб қилиниши нурли келажак сари етаклайди.

Тадбирда Тошкент давлат техника университетининг Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи Т.Маматқулов сўзга чиқиб, соғлом турмуш тарзига риоя этиш нафақат ёшларнинг балки бутун инсониятнинг ҳам муҳим вазифаларидан бири эканлигини таъкидлади.

Сўнгра «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган талабалар поликлиникаси терапевти С.Даминова «Ошқозон-ичак касалликлари ва тўғри овқатланиш қонун-қоидалари» мавзуси бўйича ўз фикрларини давом эттирди. «Соғлом авлод учун» фондининг Олмазор туман бўлими шифокори С.Дисанбенова эрта турмуш ҳамда қариндошлар ўртасидаги никоҳлар, унинг салбий оқибатлари ҳақида кўргазмали материаллар орқали батафсил маълумот бериб ўтди.

Тадбир сўнгида талаба-ёшларнинг саволларига атрофлича жавоблар берилди.

— Юртимиз келажаги ҳозирги кунда ўсиб келаётган ёшларимиз қўлида, шундай экан, улар билим чўққиларини мустаҳкам эгаллашлари, ўз соҳалари бўйича Ватанимиз тараққиётига ҳиссаларини қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишишлари лозим, — дейди «Камолот» ЁИҲ «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси И.Бўтаева. — Буларнинг барчасига бекаму кўст эришишлари учун албатта ўз соғлиқлари ҳақида қайғуриб, соғлом турмуш тарзини ўз қўллари билан яратишлари даркор. Зеро, «Соғ танда – соғлом ақл!» нақли бежиз айтилмаган.

(Ўз мухбиримиз)

Маънавият

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АНЖУМАН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида тилшунос, қомусий олим, мутафаккир Маҳмуд Замахшарий таваллудининг 940 йиллигига бағишланган «Маҳмуд Замахшарий мероси ва ҳозирги замон» мавзусида илмий-назарий семинар бўлиб ўтди.

Тадбир Имом Бухорий Халқаро маркази, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Республика Байналмилал маданият маркази, Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети, Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Хоразм Маъмун академияси, Урганч Давлат университети ва «Абу Райҳон Беруний авлодлари» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда сўзга чиққан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Ходжаев ва бошқалар Замахшарий ҳаёти, илмий мероси ҳақида тўхталиб ўтишаркан, ҳозирги кунда бобокалонимиз ижодига қизиқишнинг янада ортиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.

Маҳмуд Замахшарий ўз даврининг йирик тилшуноси, луғатшуноси, шоири ва олими сифатида машҳур бўлган. Унинг бой илмий-маънавий ва адабий мероси Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам азалдан қадрланган ва илмий асосда муайян даражада ўрганилган, унинг қатор асарлари бир неча Ғарб тилларига таржима қилинган.

Шунингдек, анжуманда Замахшарийнинг ҳаёти, ижоди ва маънавий мероси ҳақидаги «Фасиҳат илмининг султони» номли видеолавҳа тадбир иштирокчиларига намойиш этилди.

Моҳира ЖЎРАЕВА

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани Кенгаши ҳамда 154-умумтаълим мактаби бошланғич ташкилоти сардорлари томонидан «Кексаларимиз эъзозда» шиори остида тадбир ташкил этилди.

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Асрлар ошса ҳам халқимизнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари сақланиб, ёшлар орасида тарғиб қилиниши орқали катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатилиб, кексалар эъзозлаб келинмоқда. Бу каби ҳурмат-эътибор, меҳр-мурувватнинг Кексаларни эъзозлаш йилида янада кенг кўламда кўрсатилиши сўзимиз исботидир.

— Ўзбек халқи саховатпешалиги, меҳр-мурувватлилиги билан ажралиб туради, — дейди «Камолот» ЁИҲ Миробод тумани Кенгашининг бош мутахассиси, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Шаҳзод Нормуродов. — Ўтказилган тадбирдан тумандаги боқувчисини йўқотган, ногирон, II жаҳон урушида қатнашган кексалар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, уй-жойларини ҳашар йўли билан обод этиш каби хайрли мақсад кўзланди.

Бошланғич ташкилот етакчиси ёшларга ўтказилаётган тадбирнинг савобли ва кексаларимизни эъзозлашга қаратилганлигини тушунтирганидан сўнг белгиланган хонадонларга йўл олинди.

Ёшлар ҳамжиҳатликда кексалар ҳолидан хабар олишди. Уларнинг бой ҳаётий тажрибалари билан танишишди.

Замира РАҲИМОВА

ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Наврўз умумхалқ байрами тантаналарининг ўтказилиши муносабати билан йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2015 йил 21 март куни қуйидаги кўчаларда барча турдаги транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши маълум қилинади.

2015 йил 21 март куни соат 06.00 дан 16.00 гача:

— Бунёдкор шоҳ кўчаси — Муқимий кўчасидан Қоратош кўчасигача;

— *Қоратош кўчаси — Самарқанд дарвоза кўчасидан Бунёдкор шоҳ кўчасигача;*

— *Ўзбекистон кўчаси — Бунёдкор шоҳ кўчасидан Олмазор кўчасигача;*

— *Бобур кўчаси — Ўрикзор кўчасидан Шаршара кўчасигача;*

— *Бешёғоч кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Фурқат кўчасигача;*

— *Фурқат кўчаси — Шаршара кўчасидан Навоий кўчасигача;*

— *Олмазор кўчаси — Ўзбекистон кўчасидан Бешёғоч кўчасигача;*

— *Байналмилал кўчаси — Бунёдкор шоҳ кўчасидан Фурқат кўчасигача;*

— *Себзор кўчаси тоннелга кириш йўлидан;*

— *Зарқайнар кўчаси тоннелга кириш йўлидан.*

Шунингдек, 2015 йилнинг 21 март куни байрам тадбирлари ўтказиладиган Марказий зобитлар уйи, Тошкент ҳайвонот боғи, «Ўзбекистон давлат цирки», «Бахт диёр» гузари олдидаги майдонларга ва Ғафур Ғулом, Мирзо Улуғбек, Бобур номидаги ҳамда «Гулшан», Фурқат, «Сувчи» даҳасидаги «Қуёшча нури» номли истироҳат боғларига туташ кўчаларда халқ сайиллари вақтида вазият тақозо этганда транспорт воситаларининг қатновини вақтинча тўхтатишга рухсат этилади.

Шароит тақозо этганда бошқа кўчаларда ҳам қисқа муддатга транспорт воситаларининг ҳаракати чекланиши мумкин.

ҲАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

ДУШАНБА, 23

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
8.00 «Таҳлилнома».
8.40 «Диёрим табиати».
8.50 «Ватанпарвар».
9.30 «Баҳор тароналари». Мусиқий дастур.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ҳидоят сари».
14.45 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
15.20 «Иқлим».
15.25 «Тинч океани». Ҳ/ф.
16.00 «Заковат».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Суҳбатдош».
17.20 «Иқлим».
17.25 «Қорачиқ».
17.50 «Агроолам».
18.10 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Иқлим».
18.20 «Наврўз шукуҳи».
18.40 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Сайлов-2015».
20.30 «Имконият».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Муносабат».
22.20 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.25 – 23.10 «Доктор Хаус». Т/с.
23.10 «Ватанпарвар».
23.50 «Заковат».
00.50 «Диёрим табиати».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
2.05 «Агроолам».
2.20 ТелеТеатр: «Парвона». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.40 «Қорачиқ».
5.00 «Қўғирчоқбозлар».
5.30 – 5.55 «Наврўз шукуҳи».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Бир қадам». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Баҳор қайтмайди». Т/с.
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Афсона ва ҳақиқат».
9.50 «UzEX».
10.00 «Камолот-инфо».
10.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
11.00 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 1-қисм.
11.50 «Ифтихорим».
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Бетховен». Б/ф. 1-қисм.
14.40 «Баҳор нашидаси».
14.50 «Соғлом ҳаёт».
15.10 «Олтин даврим». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 «Сайлов-2015».
17.00 «Камолот-инфо».
17.10 «Наврўз нафаси».
17.30 «Чандни». Б/ф. 1-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Сўз ёшларга».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Сайлов-2015».
23.30 «Жек ва ловия пояси». Т/с.
00.20 «Мўъжизавий дунё».
1.20 «Имкон-шоу».
2.10 «Салом, Наврўз!»
2.20 «Соғлом ҳаёт».
2.40 «Наврўз нафаси».
3.00 «Камолот-инфо».
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 1-қисм.
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
7.00 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Отель «Адлон». Т/с.
11.10 «Дом со скидкой». Ҳ/ф.
13.10 «Дилбандим» тележурнали.
13.45 «Poytaxt-reportaj».
14.10 «Профессионал».
14.30 «Poytaxt-biznes».
14.35 «Холис назар».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Меҳрибон одамлар». Б/ф.
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Ҳимоя».
18.35 «Кадр ортида».
18.50 «Poytaxt-intervyu».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.10 «Сайлов-2015».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Кавказская пленница». Ҳ/ф.
23.40 «Пойтахт йўлларида».
00.05 «Эртамиз эгалари».
00.30 «Холис назар».
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Сен ухлаётганингда». Б/ф.
3.40 «Poytaxt-Hi-tech».
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Қорақалпоқ спорти».
6.25 АНОНС.
6.30 «Орзулар кемаси».
6.55 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.30 «Sport Meteo».
8.35 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Локомотив» – «Нефтчи».
10.20 АНОНС.
10.25 «Кувноқ стартлар».
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Авто-мотоспорт. Жаҳон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Биатлон Жаҳон Кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
14.40 Дзюдо. Гран-при турнири.
16.00 АНОНС.
16.05 «Спортимиз маликалари».
16.35 «Халқ ўйинлари».
16.45 АНОНС.
16.50 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Болалар спорти».
19.20 АНОНС.
19.25 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 АНОНС.
20.30 «Футбол шарҳи».
21.20 АНОНС.
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Олмалиқ» – «Насаф».
23.35 АНОНС.
23.40 «Техноспорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Профессионал бокс.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Жаҳон кубокларида: Трамплиндан сакраш. Тоғ чанғиси. Биатлон.
4.00 Авто-мотоспорт. Жаҳон чемпионати.
4.45 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Поле чудес»
08.00 Новости
08.05 Новости спорта
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 «Сегодня вечером»
13.05 Смак
13.40 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Орлова и Александров»
22.15 «Вечерний Ургант»
22.50 «Познер»
23.50 Ночные новости
00.05 «Наедине со всеми»
00.55 «Время покажет»
01.40 Модный приговор
02.00 Новости
02.05 Модный приговор. Продолжение
02.40 «Мужское/Женское»

Россия

05.00 «Утро России».
09.00, 02.50 «Последний романтик контрразведки».
09.55 «О самом главном». Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
14.50, 04.45 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Последний янычар».
16.00 Т/с «Я больше не боюсь».
18.15 «Прямой эфир».
20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
21.00 Т/с «Родина».
21.55 «Вечер с Владимиром Соловьевым».
22.50 Д/ф «Севастополь. Русская Троя».
23.55 «Антология антитеррора».
01.30 Ҳ/ф «Противостояние».
03.50 «Комната смеха».

НТВ

05.00 НТВ утром
07.10 Дело врачей
08.00, 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Все будет хорошо!
16.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
18.40 Говорим и показываем
19.40 Т/с «Ленинград-46»
21.40 Анатомия дня
22.30 Т/с «Ментовские войны»
00.35 «Настоящий итальянец». «Настоящий Берлускони»
01.35 Дикий мир
02.10 Т/с «Пятницкий. Глава вторая»
04.05 Т/с «ППС»

СЕШАНБА, 24

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2015».
7.30 «Ер сайёраси». Ҳ/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Электр нурлари». Ҳ/ф.
9.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
9.55 «Агроолам».
10.10 «Суҳбатдош».
10.20 «Руҳшунос». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Сайлов-2015».
15.00 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
15.35 «Иқлим».
15.40 «Имконият».
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10 «Қорачиқ».
16.30 «Ахборот» /инглиз/.
16.40 «Тараққиёт таянчи».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Кўрганларимиз ҳақида».
17.45 «Бизнес-старт».
18.10 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Наврўз шукуҳи».
18.35 «Иқлим».
18.40 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Сайлов-2015».
20.30 «Ўзбек модели».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Устурлоб».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.05 – 22.50 «Доктор Хаус». Т/с.
22.50 «Кўрганларимиз ҳақида».
23.15 «Ўзбек модели».
23.35 «Пари момо». Б/ф.
00.45 «Чашмалар».
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Парвона». 2-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.35 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
5.15 «Устурлоб».
5.35 – 5.55 «Наврўз шукуҳи».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Бир қадам». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Баҳор қайтмайди». Т/с.
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Сайлов-2015».
9.50 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
11.00 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 2-қисм.
11.50 «Биз киммиз?»
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Бетховен». Б/ф. 2-қисм.
14.30 «Ватанпарвар».
15.10 «Олтин даврим». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 «Сайлов-2015».
17.00 «Ифтихорим».
17.10 «Автопатруль».
17.30 «Чандни». Б/ф. 2-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Сайлов-2015».
20.40 «Огоҳ бўлинг!»
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Сайлов-2015».
23.30 «Жек ва ловия пояси». Т/с.
00.20 «Мўъжизавий дунё».
1.20 «Ватанпарвар».
2.00 «Ош бўлсин!»
2.30 «Биз киммиз?»
2.40 «Автопатруль».
3.00 «Салом, Наврўз!»
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 2-қисм.
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
7.00 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Отель «Адлон». Т/с.
11.15 «Медальон». Ҳ/ф.
13.10 «Эртамиз эгалари».
13.35 «Мобильная камера».
13.45 «Poytaxt-intervyu».
14.10 «Тошкентнома».
14.30 «Poytaxt-biznes».
14.40 «Телетаҳлил».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.15 «Музли қасрлар». Б/ф.
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Саломат бўлинг!» тележурнали.
18.50 «Poytaxt-Hi-tech».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.10 «Сайлов-2015».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Непрощенная». Ҳ/ф.
00.05 «Сайёр камера».
00.30 «Тақдирлар».
1.00 «Poytaxt-madaniyat».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Меҳрибон одамлар». Б/ф.
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Эстафета».
6.25 АНОНС.
6.30 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
6.50 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. Олий лига. «Олмалиқ» – «Насаф».
9.55 Дзюдо. Гран-при турнири.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Авто-мотоспорт. Жаҳон чемпионати.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Футбол шарҳи».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
14.40 АНОНС.
14.45 Жаҳон кубокларида: Трамплиндан сакраш. Биатлон.
16.35 АНОНС.
16.40 «Биласизми?»
16.45 АНОНС.
16.50 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Ифтихоримсан, спорт!»
19.15 АНОНС.
19.20 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.20 «Осиё футболи».
20.40 АНОНС.
20.45 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Интерфутбол.
23.35 АНОНС.
23.40 «Техноспорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Баскетбол.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
2.55 Кёрлинг. Жаҳон чемпионати.
3.55 Авто-мотоспорт. Жаҳон чемпионати.
4.40 АНОНС.
4.45 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Пусть говорят»
08.00 Новости
08.05 Новости спорта
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 Т/с «Орлова и Александров»
13.05 Смак
13.40 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Орлова и Александров»
22.15 «Вечерний Ургант»
22.50 Ночные новости
23.05 «Структура момента»
00.05 «Наедине со всеми»
00.55 «Время покажет»
01.40 Модный приговор
02.00 Новости
02.05 Модный приговор. Продолжение
02.40 «Мужское/Женское»

Россия

05.00 «Утро России».
09.00, 03.15 «Заговор против женщин».
09.55 «О самом главном». Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Последний янычар».
16.00 Т/с «Я больше не боюсь».
18.15 «Прямой эфир».
20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
21.00 Т/с «Родина».
22.50 Д/ф «Зерна и плевелы».
00.15 «Антология антитеррора».
01.55 Ҳ/ф «Противостояние».
04.10 «Комната смеха».

НТВ

05.00 НТВ утром
07.10 Дело врачей
08.00, 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Все будет хорошо!
16.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
18.40 Говорим и показываем
19.40 Т/с «Ленинград-46»
21.40 Анатомия дня
22.30 Т/с «Ментовские войны»
00.30 Главная дорога
01.05 Дело темное. Исторический детектив
02.05 Т/с «Пятницкий. Глава вторая»
04.00 Т/с «ППС»

ЧОРШАНБА, 25

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2015».
7.30 «Ер сайёраси». Ҳ/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Электр нурлари» Ҳ/ф.
9.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
9.50 «Сарҳад билмас дўстлик».
10.05 «Навоий олами».
10.20 «Руҳшунос». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Сайлов-2015».
15.00 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
15.35 «Тинч океани». Ҳ/ф.
16.00 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
16.45 «Кўзгудаги юрт».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Гап». Б/ф.
17.45 «Сен ёлғиз эмассан».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.15 «Иқлим».
18.20 «Менинг боғим».
18.35 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.10 Марказий сайлов комиссияси хабарлари /рус/.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Сайлов-2015».
20.30 «Қишлоқ ҳаёти».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Юрган – дарё».
22.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.05 – 22.50 «Доктор Хаус». Т/с.
22.50 «Қишлоқ ҳаёти».
23.10 «Ойдин ҳаёт». Ток-шоу.
23.50 «Бувим ёпган нон». В/ф.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.20 ТелеТеатр: «Парвона». 3-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.35 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
5.15 «Менинг боғим».
5.30 – 5.55 «Юрган – дарё».

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Бир қадам». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Баҳор қайтмайди». Т/с.
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Сайлов-2015».
9.50 «UzEX».
10.00 «Давр».
10.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
11.00 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 3-қисм.
11.50 «Огоҳ бўлинг!»
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «UzEX».
13.00 «Давр».
13.10 «Бетховен». Б/ф. 3-қисм.
14.50 «Автопатруль».
15.10 «Олтин даврим». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 «Сайлов-2015».
17.00 «Баҳор нашидаси».
17.10 «Давр мавзуси».
17.30 «Шаҳаншоҳ». Б/ф. 1-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Сайлов-2015».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Сайлов-2015».
23.30 «Жек ва ловия пояси». Т/с.
00.20 «Мўъжизавий дунё».
1.20 «Наврўз нашидаси».
1.40 «Сўз ёшларга».
2.10 «Эъзоз ва эҳтиром».
2.30 «Салом, Наврўз!»
2.40 «Давр мавзуси».
3.00 «Биз киммиз?»
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 3-қисм.
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
7.00 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Отель «Адлон». Т/с.
11.15 «Розовая пантера». Ҳ/ф.
12.50 «Poytaxt-avto».
13.10 «Кўнгил ҳайратлари».
13.45 «Poytaxt-madaniyat».
14.10 «Ҳимоя».
14.25 «Poytaxt-biznes».
14.30 «Дастур асосида».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.10 «Меҳрибонлар». Б/ф.
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Холис назар».
18.50 «Poytaxt-reportaj».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.10 «Сайлов-2015».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Как украсть небоскреб». Ҳ/ф.
00.05 «Ҳикматли дунё» теленовелла.
00.30 «Саломат бўлинг!» тележурнали.
1.00 «Пойтахт-эко».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Музли қасрлар». Б/ф.
3.40 «Poytaxt-avto».
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Ифтихоримсан, спорт!»
6.25 АНОНС.
6.30 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
6.50 АНОНС.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Интерфутбол.
9.55 Дзюдо. Гран-при турнири.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT NEWS».
11.10 АНОНС.
11.15 Биатлон. Жаҳон Кубоги.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 Тоғ чанғиси. Жаҳон Кубоги.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
14.40 Кёрлинг. Жаҳон чемпионати.
15.40 Велоспорт. Халқаро турнир.
16.40 АНОНС.
16.45 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 Дзюдо. Гран-при турнири.
20.25 АНОНС.
20.30 «ЕВРОТАЙМ».
21.20 АНОНС.
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Стол тенниси. Халқаро турнир.
22.55 АНОНС.
23.00 Қиличбозлик. Гран-при турнири.
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
1.25 АНОНС.
1.30 ХАБАРЛАР.
1.50 АНОНС.
1.55 Баскетбол.
3.15 АНОНС.
3.20 Велоспорт. Халқаро турнир.
4.20 АНОНС.
4.25 «Эътироф».
4.35 АНОНС.
4.40 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Пусть говорят»
08.00 Новости
08.05 Новости спорта
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 Т/с «Орлова и Александров»
13.05 Смак
13.40 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Орлова и Александров»
22.15 «Вечерний Ургант»
22.50 Ночные новости
23.05 «Политика»
00.05 «Наедине со всеми»
00.55 «Время покажет»
01.40 Модный приговор
02.00 Новости
02.05 Модный приговор. Продолжение
02.40 «Мужское/Женское»

Россия

05.00 «Утро России».
09.00, 03.40 «Химия нашего тела. Витамины».
09.55 «О самом главном». Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
14.50 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Последний янычар».
16.00 Т/с «Я больше не боюсь».
18.15 «Прямой эфир».
20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
21.00 Т/с «Родина».
22.55 «Специальный корреспондент».
00.35 «Антология антитеррора».
02.15 Ҳ/ф «Адвокат».

НТВ

05.00 НТВ утром
07.10 Дело врачей
08.00, 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Все будет хорошо!
16.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
18.40 Говорим и показываем
19.40 Т/с «Ленинград-46»
21.40 Анатомия дня
22.30 Т/с «Ментовские войны»
00.25 Квартирный вопрос
01.30 Дикий мир
02.10 Т/с «Пятницкий. Глава вторая»
04.05 Т/с «ППС»

ПАЙШАНБА, 26

Ўзбекистон

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сайлов-2015».
7.30 «Ер сайёраси». Ҳ/ф.
8.00 «Ахборот».
8.40 «Электр нурлари». Ҳ/ф.
9.10 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
9.50 «Қўғирчоқбозлар».
10.20 «Руҳшунос». Т/с.
11.00 «Ахборот».
11.10 «Муқаддас ришталар». Т/с.
11.55 «Иқлим».
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Комиссар Рекс». Т/с.
14.00 «Ахборот».
14.15 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
15.00 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
15.35 «Тинч океани». Ҳ/ф.
16.00 «Тезкор хабарлар».
16.10». Қишлоқ ҳаёти».
16.30 «Ахборот» /инглиз/.
16.40 «Навоий олами».
17.00 «Ахборот».
17.10 «Ўзингни англа». Ток-шоу.
17.50 «Нотариус маслаҳати».
18.00 «Кўнгил қўшиқ истайди».
18.05 «Иқлим».
18.10 «Бизнес-старт».
18.35 «Муқаддас ришталар». Т/с.
19.10 Марказий сайлов комиссияси хабарлари.
19.25, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.00 «Сайлов-2015».
20.30 «2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили». «Эъзоз».
21.00 «Ахборот».
21.40 «Учбурчак». Ток-шоу.
22.25 «Кўнгил қўшиқ истайди».
22.30 – 23.15 «Доктор Хаус». Т/с.
23.15 «Бизнес-старт».
23.40 «Ўзбекистон – умумий уйимиз».
00.20 «Ўзингни англа». Ток-шоу.
1.00 «Ахборот» /рус/.
1.30 Миллий сериал: «Орзулар фасли».
2.05 «Шарқ тароналари».
2.15 ТелеТеатр: «Алдагани хотин яхши». 1-қисм.
3.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
4.00 «Ахборот».
4.35 Миллий сериал: «Бедор туйғулар».
5.15 – 5.55 «Учбурчак». Ток-шоу.

Ёшлар

6.00 «Ватан меҳри».
6.10 «Тараннум».
7.00 «Бир қадам». Т/с.
7.40 «Ёшлик наволари».
8.00 «Баҳор қайтмайди». Т/с.
8.40 «Ўзбек адабиёти».
8.50 «Сайлов-2015».
9.50 «Юрт келажаги».
10.00 «Давр».
10.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
11.00 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 4-қисм.
11.50 «Биз киммиз?»
12.00 «Доктор Куинн». Т/с.
12.50 «Баҳор нашидаси».
13.00 «Давр».
13.10 «Бетховен». Б/ф. 4-қисм.
14.40 «Огоҳ бўлинг!»
14.50 «Давр мавзуси».
15.10 «Олтин даврим». Т/с.
16.00 «Давр».
16.10 «Сайлов-2015».
17.00 «Ифтихорим».
17.10 «Соғлом ҳаёт».
17.30 «Шаҳаншоҳ». Б/ф. 2-қисм.
19.00 «Давр».
19.30 «Сарой жавоҳири». Т/с.
20.20 «Сайлов-2015».
20.50 «Ёшлик наволари».
21.10 «Қасоскор бургут». Т/с.
22.00 «Давр».
22.30 «Сайлов-2015».
23.30 «Жек ва ловия пояси». Т/с.
00.20 «Мўъжизавий дунё».
1.20 «Мафтункор наволар».
2.00 «Ош бўлсин!»
2.30 «Биз киммиз?»
2.40 «Юрт келажаги».
3.00 «Салом, Наврўз!»
3.10 «Тараннум».
3.50 «Мадагаскар». Ҳ/ф. 4-қисм.
4.40 «Доктор Куинн». Т/с.
5.30 – 6.00 «Давр».

Тошкент

5.55 «Ягонасан, муқаддас Ватаним!»
6.00, 7.00, 8.00, 9.00, 10.00, 11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 20.00, 22.00, 2.00 «Poytaxt».
6.20 Миллий сериал: «Фидойилар».
7.00 «Тошкент вақти».
9.10 «Лус Мария». Т/с.
9.50 «Poytaxt-sport».
10.20 «Отель «Адлон». Т/с.
11.15 «Розовая пантера-2». Ҳ/ф.
13.10 «Бахт кўрғони».
13.35 «Мобил камера».
13.45 «Poytaxt-reportaj».
14.10 «Сифат назорати».
14.35 «Poytaxt-biznes».
14.40 «Қонун доирасида».
15.10 «Интиқом». Т/с.
15.50 «Poytaxt-sport».
16.15 «Лиззи Магуайер». Б/ф.
17.55 «Ишга марҳамат!»
18.20 «Моҳият».
18.30 «Профессионал».
18.50 «Poytaxt-intervyu».
19.00 «Лус Мария». Т/с.
19.45 «Телемаркет».
20.20 «Интиқом». Т/с.
21.10 «Сайлов-2015».
21.45 «Телемаркет».
22.20 «Мистификация». Ҳ/ф.
00.05 «Дилбандим» тележурнали.
00.35 «Обод хонадон».
1.00 «Poytaxt-eko».
1.10 «Отель «Адлон». Т/с.
1.50 «Poytaxt-biznes».
2.10 «Меҳрибонлар». Б/ф.
3.55 – 5.55 «Тошкент вақти».

Спорт

6.00 «Хайрли тонг!»
6.05 Кўрсатувлар тартиби.
6.10 «Куч бирликда».
6.40 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
7.00 «SPORT-EXPRESS».
8.00 ХАБАРЛАР.
8.10 «Sport Meteo».
8.15 Стол тенниси. Халқаро турнир.
9.15 «Осиё футболи».
9.35 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
10.55 АНОНС.
11.00 «SPORT REPORT».
11.10 Қиличбозлик. Гран-при турнири.
11.55 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.
12.00 «SPORT-EXPRESS».
13.00 АНОНС.
13.05 «Евротайм».
13.55 АНОНС.
14.00 ХАБАРЛАР.
14.15 АНОНС.
14.20 «Манчестер Юнайтед юлдузлари». Ҳужжатли фильм.
14.40 Профессионал бокс.
15.30 АНОНС.
15.35 Велоспорт. Халқаро турнир.
16.35 «Биласизми?»
16.40 АНОНС.
16.45 Теннис. ATP/WTA турнири.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Спорт сайёраси».
18.20 «Техноспорт».
18.25 АНОНС.
18.30 ХАБАРЛАР.
18.50 АНОНС.
18.55 «Шижоат».
19.15 АНОНС.
19.20 Фигурали учиш. Жаҳон чемпионати.
20.30 АНОНС.
20.35 «ЕВРОТАЙМ».
21.25 «Спорт-маркет».
21.30 ХАБАРЛАР.
21.50 «Sport Meteo».
21.55 Интерфутбол.
23.35 АНОНС.
23.40 «Техно-спорт».
23.45 АНОНС.
23.50 «SPORT REPORT».
00.00 АНОНС.
00.05 Стол тенниси. Халқаро турнир.
00.55 АНОНС.
1.00 ХАБАРЛАР.
1.20 АНОНС.
1.25 Баскетбол.
2.45 АНОНС.
2.50 «Майкл Жордан». Ҳужжатли фильм.
3.35 Велоспорт. Халқаро турнир.
4.35 АНОНС.
4.40 – 6.00 Теннис. ATP/WTA турнири.

Первый канал

04.00 Телеканал «Доброе утро»
07.00 Новости
07.05 «Пусть говорят»
08.00 Новости
08.05 Новости спорта
08.10 Контрольная закупка
08.35 «Жить здорово!»
09.35 Модный приговор
10.30 Фазенда
11.00 Новости
11.15 Т/с «Орлова и Александров»
13.05 Смак
13.40 «Время покажет»
14.00 Новости
14.20 «Время покажет». Продолжение
15.15 «Мужское/Женское»
16.10 «Наедине со всеми»
17.00 Вечерние новости
18.00 «Давай поженимся!»
19.00 «Пусть говорят»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Орлова и Александров»
22.20 «Вечерний Ургант»
22.55 Ночные новости
23.10 На ночь глядя
00.00 «Наедине со всеми»
00.50 «Время покажет»
01.35 Модный приговор
02.00 Новости
02.05 Модный приговор. Продолжение
02.35 «Мужское/Женское»

Россия

05.00 «Утро России».
09.00, 02.50 «Потерянный рай. Ностальгия по Союзу».
09.55 «О самом главном». Ток-шоу.
11.00, 14.00, 17.00, 17.30, 20.00 Вести.
11.35, 14.30, 17.10, 19.35 Местное время. Вести-Москва.
11.55 Т/с «Тайны следствия».
12.55 «Особый случай».
14.50, 04.45 Вести. Дежурная часть.
15.00 Т/с «Последний янычар».
16.00 Т/с «Я больше не боюсь».
18.15 «Прямой эфир».
20.50 «Спокойной ночи, малыши!».
21.00 Т/с «Родина».
22.00 «Вечер с Владимиром Соловьевым».
23.40 «Антология антитеррора».
01.20 Ҳ/ф «Адвокат».
03.50 «Комната смеха».

НТВ

05.00 НТВ утром
07.10 Дело врачей
08.00, 09.20 Т/с «Возвращение Мухтара»
09.00, 12.00, 15.00, 18.00 Сегодня
11.00, 12.20 Суд присяжных
13.30 Обзор. Чрезвычайное происшествие
14.00 Прокурорская проверка
15.20 Все будет хорошо!
16.20 Т/с «Улицы разбитых фонарей»
18.40 Говорим и показываем
19.40 Т/с «Ленинград-46»
21.40 Анатомия дня
22.30 Т/с «Ментовские войны»
00.25 Дачный ответ
01.30 Дикий мир
02.10 Т/с «Пятницкий. Глава третья»
04.00 Т/с «ППС»

(Давоми келгуси сонда)

Ўлкамизда Наврўз нафаси





Баҳорнинг хуш насимлари ифори уфуриб турган кўклам палласида табиат барча гўзалликни ўзида мужассамлаштириб олгандай таассурот қолдиради. Муборак заминимизда кўкламнинг нафис манзараси, яшил майсалари, турфа хил анвойи гуллари, улуғворлик бағишлаб турган дов-дарахтлари дилимизга ажиб бир хушнудлик бахш этади. Гўё Наврўзинг муборак бўлсин, она Ўзбекистоним дегандай.

Тадбирлар

БАҲОРНИНГ НАФАСЛАРИ СЕНДА МУЖАССАМ

Айни дамда шаҳримизнинг барча гўшаларида Наврўзи оламга бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Учтепа туманидаги «Олмос» маросимлар марказида ўтказилган байрам тадбири ҳам туман аҳлининг шодлигига янада шодлик улашди.

Хушовоз хонандалар Авазбек Олимов, Даврон Эргашев, Илҳом Фармонов, Баҳром Назаровлар ижро этган дилрабо куй ва қўшиқлар йиғилганларга хуш кайфият бағишлади.

— Яқинлашиб келаётган Наврўз байрами барчамизни эзгуликка, яхшиликка ундаш билан бирга қадриятларимизни қадрлашга, урф-одатларимизга ҳурмат билан қарашга, шу билан бирга хайр-саховатга чорлайди, — дейди Учтепа тумани ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Мактуба Арипова. — Минг йиллардан буён нишонланиб келаётган ушбу байрам миллий анъаналаримизни тарғиб қилади. Наврўзи олам муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар замиридаги нафосат ва латофат, бағрикенглик, меҳр-оқибат туйғуларининг чамбарчас боғичларидаги ўзаро бирлик ва тотувлик ҳаммамизни қувонтиради.

Дарҳақиқат, Наврўзи олам инсонларни ҳамжиҳатликка, гўзал ишларга ундайдиган қутлуғ байрам. Кексалар ва ёшлар иштирокида пиширилаётган сумалаклар, ҳалимлар гўёки уларнинг орзу-истаклари ҳамоҳанглигини, улуғ фаслнинг барокатли ва файзлилигини намойиш этаётгандай.

Осмонда учаётган варраклар эса табиатнинг гўзаллигини турфа рангларда жилолантиради. Варракларга ҳамоҳанг ёшларнинг орзулари парвоз этаётгандай туюлади.

Ҳа, Наврўз гўзаллик тантана қилиб, кўнгилларни завққа тўлдирадиган файзли айём. Меҳр-мурувват ва инсонийликнинг жамики эзгу хислатларини ўзида мужассам этган ушбу байрам барчамизга муборак бўлсин.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

СУРАТЛАРДА: Учтепа туманидаги байрам тадбиридан лавҳалар

Козим Ўлмасов олган суратлар

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги

ОБОД ВА ОЗОДА ЖОЙДА БАРАКА БЎЛАДИ

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 25 февралдаги «2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Қарори асосида мамлакатимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Пойтахтимизда бу юмушлар кўча ва майдонлар янада кўркамлашаётганида кўзга ташланмоқда. Йўллар, катта-кичик иншоотлар атрофида ландшафт дизайни асосида яратилган майсазор ва чаманзорлар шаҳар қиёфасига ўзгача чирой бахш этмоқда. «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона ва Халқаро симпозиумлар саройини бирлаштирган «Маърифат маркази», Ёшлар ижод саройи, Тасвирий санъат галереяси атрофи, Амир Темур, Мирзо Улуғбек хиёбони ва бошқа майдонларни кезган, кўркам дов-дарахтлар ва ранг-баранг гулларни кўрган кишининг баҳри дили очилади.

Ҳозир Тошкентда камёб дарахт ва буталарнинг 220 тури мавжуд. Магнолия, лола дарахтлари шулар сирасидан.

Пойтахтимиз яшил оламининг тобора бойиб боришида ободонлаштириш муассасаларида ишнинг тўғри йўлга қўйилаётгани, қолаверса, одамларнинг ўз уйи, маҳалласи ободлигини таъминлашга эътибори ошгани муҳим омил бўлмоқда. Бу гўзалликни янада бойитиш, шаҳарнинг экологик ҳолатини яхшилаш учун Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармаси томонидан манзарали, игнабаргли дарахтлар, бутаю кўчатлар, гуллар экилмоқда.

– Кўчаларда автотранспорт воситалари кўплигини ҳисобга олиб, кўчат экилаётганда нафақат унинг кўркамлиги, балки инсон саломатлиги учун фойдаси ҳам ҳисобга олинади, – дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасининг кўкаламзорлаштириш ва ирригация бўлими бошлиғи Ботир Ортиққўжаев. – Мисол учун, қрим ва элдор қарағайи экишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар ҳавони бошқа дарахтларга нисбатан яхши тозалайди. Бир гектар майдонга экилган игнабаргли дарахтлар 200 нафар одамни кислород билан таъминлайди. Йўл четига экилганлари транспорт воситаларидан чиқаётган зарарли газларни ютиш ҳисобига ҳавони мусаффо қилади.

Иқлимни соғломлаштириш ҳамда табиий манзарани гўзаллаштириш нуқтаи назаридан эман, жўка, япон софораси, қайин, магнолия, айниқса, каштан энг мақбул ҳисобланади. 10 гектарга экилган каштан бир йилда 600-700 тонна чанг, 3-3,5 тонна олтингугурт ва карбонат ангидрид гази оксидини ушлаб қолади ҳамда ҳавога 800 тонна кислород чиқаради. Каштандан ташқари, оқ акация, эман, мажнунтол, заранг, тилоғоч, оққарағай ва настарин ҳам ана шундай имкониятга эга.

Яшил ҳудудларни ташкил этишда шамолнинг йўналиши, атмосферада зарарли чиқиндилар кўплиги, уларнинг кимёвий ва физик таркиби эътиборга олинади. Чунки ана шу омиллар асосида дарахтларнинг алоҳида навларини қай тартибда ва қандай баландликда экишни аниқлаш мумкин. Баланд шох-шаббали ҳамда йирик баргли дарахтлардан иборат ям-яшил масканлар атмосферани транспорт, саноат чиқиндилари ва чанг-губордан самарали ҳимоя қилади. Улар объектларга нисбатан тўғри жойлаштирилиб экилса, товуш тўлқинлари йўлини тўсиб, шовқинни 75 фоизгача қайтаради.

Дарахтларнинг ана шундай хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда жойларга «Манзарали боғдорчилик ва гулчилик» ҳамда «Настарин гуллари» акциядорлик жамиятларида етиштирилган қарийб 32 минг дона манзарали, игнабаргли дарахт, бута ва мевали дарахт кўчатлари экилди. Уларнинг асосий қисмини чиройли манзара ва соя берувчи эман, заранг, каштан, қрим қарағайи, япон софораси, лола дарахти кабилар ташкил этади. Терак кўчатлари вақтинчалик кўкаламзорлаштириш жойларига, муайян йиллар бўш турадиган майдонларга экилмоқда.

Айни вақтда фақат манзарали дарахтлар экиш билан чекланиб қолинмасдан, маҳалла ва гузарларга, кўп қаватли уй-жойлар, мактаб, болалар боғчалари атрофига мевали дарахтлар экилмоқда.

Гулларни экишда уларнинг маҳаллий иқлим шароитимизга мослиги, гуллаш даври ва ранги ҳисобга олинаётир. Иссиқсевар атиргуллар, шунингдек, салқин жойларда ҳам яхши ўсувчи сальвия гулининг ҳар хил турларини кўчаларга, Голландиядан келтирилган петуния гулининг оқ, қизил, пушти ва кўк турлари марказий кўча ва майдонларга жозиба бағишлаши табиий. Бу гуллар эрта баҳордан кеч кузгача яшнаб туриши билан аҳамиятлидир.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, кейинги ўн йилда пойтахтимизда дарахт кўчатлари экиш ҳисобидан 40 гектардан зиёд майдонда хиёбонлар, истироҳат боғлари барпо этилган. 7,5 гектар асфальт қопламаси ўрнида дам олиш масканлари барпо этилиб, гуллар ва майса экилган. Айни вақтда пойтахтимиз умумий майдонининг қарийб 35 фоизини яшил майдонлар ташкил этади.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартига мувофиқ, ҳар бир одам учун 50 квадрат метр яшил майдон тўғри келиши меъёр ҳисобланади. Бугун Тошкент шаҳрида яшовчи ҳар бир кишига қарийб 70 квадрат метр яшил майдон тўғри келмоқда.

Ҳа, ободонлик ва фаровонликка интилиш, атроф-муҳитнинг файзли ва сариштa бўлишини таъминлаш халқимиз кундалик турмуш тарзининг энг муҳим ажралмас қисмига айланган. Бу қадриятлар кейинги йилларда янгича маъно-мазмун билан бойиб бормоқда. Зеро, бу саъй-ҳаракатлар бугунги ва келажак авлодларни жисмонан ва маънан баркамол этиб вояга етказиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, Ватанимизни янада гўзал ва обод этишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Халқимизда «Битта дарахт кессанг, ўн туп ниҳол эк», деган ҳикмат бор. Ҳар бир инсон ўз уйи атрофи, кўчаси озодалигини таъминласа, бутун маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг, мамлакатнинг файзу баракаси ошади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири

КЎТАРИНКИ РУҲДА ЎТДИ

Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан пойтахтимиздаги таълим муассасалари, маҳалла ва ишлаб чиқариш корхоналари, турли ташкилотлар, меҳнат жамоаларида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Ана шундай учрашувлардан бири АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиалида Олмазор туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими томонидан ўтказилди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шоира Фароғат Худойқулова, таэквондо бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати ғолиби, шеърий тўпламлар муаллифи Дилором Абдураимова ва бошқалар юртимиздаги тинчлик-осойишталикнинг аввало мустақиллик туфайлиги эканлиги, бундай юртда байрамлар кўтаринки кайфиятда ўтиши, Наврўз барчамиз учун азал-азалдан аввало табиат уйғониши, шарқона янги кун дебочаси, энг қадимий асл миллий байрам сифатида нишонланиши ҳақида таъкидлаб ўтишди.

АИТБ «Ипак йўли» Сағбон филиали ходимларининг 90 фоизини ёшлар ташкил этади. Бу ерда Наврўз, Мустақиллик байрамларига бағишланган ва бошқа кўплаб тадбирлар ўтказиб турилиши уларнинг қалбига ватанпарварлик руҳини сингишига хизмат қилмоқда.

— Бутун республикамиз бўйлаб тарғибот ишчи гуруҳларининг Наврўз байрамига бағишланган тадбирлари ўтказилмоқда, — дейди Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг адабий маслаҳатчиси, шоира Фароғат Худойқулова. — Республикамизнинг барча вилоятларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, шоир, ёзувчилар, олимлар, эстрада хонандалари ва театр актёрлари томонидан байрам учрашувлари ташкил этиб келинмоқда. Ушбу тадбирларни ижодкор сифатида байрам баҳона опа-сингил, ака-укаларимиз билан юзмаюз суҳбатлашиб, уларнинг қалбидаги кечинмалардан бохабар бўлиш учрашуви деб ҳисоблайман. Биз ўзимиз ҳам халқимизнинг юрагида кечаётган кечинмалари ва таассуротларини эшитиб, илҳомланиб, ижод қиламиз.

Бундай тадбир тумандаги «Кенг макон» масъулияти чекланган жамияти, республика дори воситаларини стандартлаштириш марказида ҳам бўлиб ўтди.

Зарина РУСТАМОВА

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида бўлганидек Мирзо Улуғбек туманидаги Амир Темур номли маҳаллада ҳам халқимизнинг суюкли ва ардоқли айёмларидан бири бўлмиш баҳор, гўзаллик, нафосат байрами — Наврўзи оламга бағишланган тадбир унинг ҳар бир қатнашчиси қалбини қувончга чулғади.

ДИЛЛАР ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ

Маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Хўжаев йиғилганларни Наврўз айёми билан табриклаб, маҳаллада Кексаларни эъзозлаш йилида амалга оширилаётган ибратли ишлар хусусида тўхталди. У бу галги баҳор байрами арафасида ўтказилган хайрия ҳашари, маҳаллада бажарилган кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш юмушларида маҳалла фуқароларининг кўрсатган жонбозликлари ҳақида таъкидлаб ўтди.

— Маҳалламизда турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил ва тотувликда умргузаронлик қилишмоқда, — дейди маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфияхон Расулий. — Улар Наврўз байрамига пухта тараддуд кўришди. Буни бугунги ўтказилаётган тадбир ҳам кўрсатиб турибди. Зеро бу айём меҳр-оқибат, саховат байрамидир.

— Биз қутлуғ айём кезларида ёлғиз, кекса авлод вакиллари ҳолидан хабар олиб, уларнинг қалбига қувонч бағишламоқдамиз, — деб таъкидлади маҳалла хотин-қизлар қўмитаси бошланғич ташкилотининг раиси Азизахон Усмонова. — Чунки йилимизнинг Кексаларни эъзозлаш йили деб номланишида ҳам чуқур маъно ва мазмун бор. Шу боисдан йил бўйи бажариладиган ишларимиз, саъй-ҳаракатларимиз инсонларга эъзоз ва эҳтиром кўрсатишдан иборат бўлади.

Маҳалла фаолларидан истеъфодаги генерал Абдуллажон Ортиқбоев, Ғуломжон Зокиров ва бошқалар Наврўз айёмига бағишлаб юртимизда ўтказилаётган тадбирларнинг файзи ва нашидаси ҳақида завқланиб гапирдилар. Маҳалла аёллари тайёрлаган баҳор таомлари — сумалак, кўк сомсалар меҳмонларга манзур бўлди. Санъаткор Фарруҳ Сулаймонов маҳалладошларига сидқидилдан хизмат кўрсатди, куйланган қўшиқ ва шўх рақслар одамлар қалбига баҳорий кайфият, бир олам шодлик бағишлади.

Хондамир СОЛИҲОВ

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ — БАРДАВОМ

Наврўз байрами фақатгина бизнинг юртимизда нишонланмайди, балки бутун Марказий Осиё халқлари, хусусан, Озарбойжон аҳолиси маданиятининг ҳам ажралмас қисмига айланиб кетган. Пойтахтимизда жойлашган Озарбойжон маданият марказида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган концерт дастурида бу яна бир бор ўз аксини топди.

Унда ўзбек, озарбойжон, турк, қозоқ миллатлари вакиллари жамланди. Сўзга чиққанлар барчани Наврўзи олам билан табриклаб, қардош халқларнинг байрамни биргаликда нишонлаши энг аввало тинчлик, ўзаро яқинлик, бирдамлик, бир-бирига бўлган ҳурмат нишонаси эканини таъкидлаб ўтдилар.

Тадбир «Озарбойжон қизлари» рақс ансамбли ижросидаги шўх тарона билан бошланди. Байрам дастурхонига озарбойжон ва ўзбек миллий ҳамда баҳорий таомлар тортилди.

– Наврўз қадим замонлардан бизгача етиб келган қадриятларимиздан бири, байналмилал байрамдир, – дейди Озарбойжон маданият марказининг рақс тўгараги раҳбари К.Алиева. – Мен ушбу байрам билан барчани табриклаб, соғлик-саломатлик, тинчлик ва осудалик тилайман.

Байрам дастурида «Ниҳол» мукофоти совриндорлари, ёш истеъдодли хонанда ва раққосалар ҳам иштирок этишди. Хусусан, қардош халқлар мусиқа ва рақсларидан ташкил топган чиқишлар барчанинг кўнглига хушнудлик улашди.

– Ушбу тадбирда барча қардош халқлар вакиллари қатнашмоқда, – дейди Озарбойжон маданият маркази хонандаси Раъно Азизова. – Янгиланиш, яшариш байрами барчамизга муборак бўлсин. Мана шундай дўстлик ришталари бардавом бўлсин.

Моҳира ЖУМАНОВА

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

— 20-22 даража иссиқ бўлади.

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **21 мартда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

*Тошкент шаҳрида **21 март** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7 даража илиқ, кундузи*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9227
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 355
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ. офсет усулида босилади. 13591 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Босишга топширилди: 16.40
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ